

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКА ХИЗМАТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Сарварбек Авазбекович Мирзаев

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, Ижтимоий-иқтисодий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси

mir_sarvarbek@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқарув тизимида қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, хизмат қилиш базасининг объектлари, бошқарув тизимининг асосий тамойиллари, услублари, машина-трактор ва автомобиль паркларидан фойдаланиш даражаси, агротехник хизмат кўрсатиш, техник хизмат бошқарув тизимини шакллантириш йўллари, тавсифи, бошқарув санъати, бошқаришнинг умумий тамойиллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калитли сўзлар: ташкилий тузилма, потенциал, агротехник, диагностика, чилангар, рельеф, менежер, интеграция, функционал, бошқарув санъати.

Sarvarbek Avazbekovich Mirzaev

Andijan Institute of Economics and Construction, Senior Lecturer of the
Department of Social and Economic Disciplines

mir_sarvarbek@mail.ru

PRINCIPLES OF A MANAGEMENT SYSTEM FORMATION FOR MANAGING AGROTECHNICAL SERVICE

ABSTRACT

This article considers the proposals and recommendations for the repair of agricultural machinery in the management system of the agro-technical service, objects of the service base, basic principles, methods of the management system, the level of use of machine-tractor and car parks, ways of forming a management system for the agro-technical service, a description of the art of management, general principles management.

Keywords: organizational structure, potential, agricultural engineering, diagnostics, locksmith, relief, manager, integration, functional.

КИРИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонида илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришга алоҳида тўхталиб ўтилган, илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш, илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш масаласи кўрсатиб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасида техника хизмати бошқарув тизимини янада ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни бекиёсдир.

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқарув тизимида қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, хизмат қилиш базасининг объектлари ҳозирги кунда муҳимдир, бу ерда техника ва ундан ечилган таркибий қисмларни сақлаш ташкил қилинади, янги техникани буткул йиғиш, ҳисобдан чиқарилган техникани қисмларга ажратиш ва нуқсонлаш, машина трактор агрегатларини бутлаш ва созлаш, оддий қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик машиналарини сақлашга қўйишдан олдин таъмирлаш ишларини амалга ошириш муҳим саналади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг техник хизмати (ТХ) ишлаб чиқаришни бошқариш тизимининг асосини ташкил этади ва уни ташкил этиш даражаси, асосан, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган техника ва технологиялар самарадорлигини белгилайди.

Муҳандислик бўлимлари самарадорлигини баҳолаш учун корхонанинг машина-трактор ва автомобиль паркларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш керак. Машина-трактор парки (МТП) ўсимликларни етиштиришда механизациялаштиришнинг асоси бўлиб, унинг ишончлилиги ва фойдаланиш самарадорлиги маҳсулот таннархи ва унинг сифатини белгилайди. Аксарият мутахассислар унинг ечимини корхоналарнинг муҳандислик хизматлари ва уларни муҳандислик-техник таъминот тизимларини такомиллаштириш масаласига деярли таъсир қилмайдиган чора-тадбирлар мажмуаси шаклида тақдим этадилар. Ушбу МТП ишончлилиги муаммосини ҳал қилиб бўлмайди, чунки янги ускуналар шароитлари машиналарнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш ва уларнинг ишлашини оқилона бошқариш имкониятига эга бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Н.Ф. Реймерс ва А.В. Яблоков таъкидлаганидек, агар ҳаво нафас ололмаса, сув ичилмайди ва овқат ейилмаса, у ҳолда барча ижтимоий муаммолар ўз маъносини йўқотади.

П.П. Руснак таъкидлашича, ҳар қандай фаолият экологик жиҳатдан оқлангандагина оқланиши мумкин. Шунинг учун техникани қўллашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш талаб этилади, ҳар бир трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасини тўғри ишлатиш, улардан тўғри фойдаланиш, ҳар бир ишни қачон ва қандай амалга оширишни билиш қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиган ҳар бир мутахассис учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак [1].

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида техник хизмат бошқарув тизимини ташкил қилишнинг учта асосий тамойили мавжуд:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хизмат кўрсатиш тузилмалари;
- собиқ қишлоқ хўжалиги техникалари негизида қолган туман ва вилоят даражасидаги хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;
- ишлаб чиқарувчи дилер сифатида моддий-техник таъминот ва хизмат кўрсатадиган тижорат корхоналари.

Республикамизда таъмирлаш-техник сервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Ш.Йўлдошев, Р.Матчанов, Т.Худойбердиев, А.Усмонов, И.Аширбеков ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган [2].

НАТИЖАЛАР

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқарув тизимининг тузилмаси муайян тизимнинг ташкил топган шакли, тизим элементларининг ўзаро муҳим алоқаларининг яхлитлигидир. Қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимининг ташкилий тузилмаси функционал муносабатларнинг умумий қонунларига бўйсунди.

Ташкилий тузилма – ташкилотни бошқаришнинг асосий элементларидан бири. Ушбу тузилма бўлинмалар ва ташкилотлар орасидаги мақсадларни ва бошқариш масалаларини тақсимлаш билан белгиланади. Мазмунан, бошқарув тузилмаси – бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш бўйича меҳнатни тақсимлашнинг ташкилий шакли [3].

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида ҳар бир мураккаб тизимнинг бир-бирига бўйсунishi кўп поғонали тарзда шаклланади. Бошқарувнинг сифати тузилманинг юқори ҳалқасидан бир хил масофада узоқлашган ва тенг ҳуқуққа эга бўлган тизим элементлари билан белгиланади. Техника хизматида тизим бошқарувининг функциясини амалга ошириш учун махсус тузилма ташкил этилади. Унинг тузилмаси бошқарувнинг бир-бирига тобе бўлган бўғинлари билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизими тузилмасини шакллантирувчи элементлар бир-бири билан узвий алоқада бўлади. Бошқарув тизимининг оқилона ташкил этилган тузилмаси унинг самарадорлигини белгилаб беради, яъни бошқарув объектининг кўп сонли элементлари алоқаларининг мустаҳкамлиги ва тизим яхлитлигини таъминлайди. У тизим элементларини бир бутун ҳолга келтиради, бошқарув тизимининг шакли ва ташкилий томонларига, ишни ташкил қилиш усулларига, мувофиқлаштиришга таъсир қилади, тизим фаолияти натижасини баҳолашга ва қиёслашга имкон беради.

Бошқарув тизими бошқарув технологиясига таъсир кўрсатади, ахборотни оқилона тарқатиш, ходимларни танлаш ва лавозимга қўйишдаги бошқарув техникаларини ишлатиш билан боғлиқ вазифаларни белгилайди. Тизимнинг “ички муҳити”ни ундаги элементларнинг асосий функциялари ёрдамида аниқлаб олса бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотларида бошқариш самарадорлигини ошириш уларнинг ташкилий тузилмалари қай даражада таркиб топганлигига боғлиқдир. Ташкилий тузилма қанчалик мукамал, аниқ, мақсадга мувофиқ тузилган бўлса, бошқарув ходимларининг фаолияти шунчалик самарали бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш, хўжалик техникасидан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида мамлакатимизда машина-трактор паркларига бўлган эътибор оширилди. Муқобил МТП бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиққан ҳолда тузилиши керак. Маркетинг эса талабнома ва реклама хизмати, истеъмолчилар талабини ўрганиш, шу асосда сервис-хизмати турлари, уларни амалга ошириш учун керак бўладиган техника воситалари тизимини белгилаш, хизмат миқдори ва унинг нархини аниқлаш билан шуғулланади. Шунингдек, истеъмолчилар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари орасида МТП томонидан бажарилиши мумкин бўлган сервис-хизмат турларини реклама қилиш билан ҳамда керакли

техника воситаларини, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи, мойлаш материалларини сотиб олиш жойлари ва нархлари билан шуғулланади [4].

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизими икки услубда амалга оширилади, яъни қўл остида ишловчиларни бевосита ва билвосита бошқариш мумкин.


Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизимининг биринчи услубида (тўғри чизиқли тузилма) ижрочилар тўғридан-тўғри бир бошлиққа бўйсунди ва фақат ундан кўрсатмалар олади. Бу услуб оддий, тушунарли ва мантқиқдир. Тузилма бўлимининг бошқарув функцияларини барча ваколатларга эга бўлган бир киши шахсан ўзининг зиммасига олади.

Унинг чиқарган буйруқларини барча ходимлар бажаришлари керак. Бундай шароитда жамоа фаолиятининг самарадорлиги ошади. Шуни эсда тутиш керакки, ушбу тамойилда бир кишининг қўлида бутун ҳокимлик тўпланади, раҳбарнинг зиммасига катта жавобгарлик юкланади. Юқорида турувчи бошқарув идораси қуйи корхона раҳбарига, сўзсиз, ушбу корхона ишчиларига буйруқни бажариш ҳақида кўрсатма бериш ҳуқуқига эгадир.

Раҳбар жамоа фаолиятининг барча томонларига жавобгар бўлиб, бошқарув ишларини ўзи бажариши лозим, шу туфайли у баъзида меъёрдан ортиқча ахборот таъсирида бўлиб қолади. Агар ижрочилар кўп бўлиб, улар турли хил ишларни бажараётган бўлсалар, уларга раҳбарлик қилиш қийинлашади.

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида тўғри чизиқли бошқарув тузилмаларининг устуворлиги уларнинг оддийлигида, ташкил топишининг аниқлигида, тузилма элементларининг бир-бирига бўлган тобелигида ва масъулиятлилигидадир. Шу билан бирга, мураккаб масалаларни ечишда пайдо бўлган қийинчиликлар туфайли уларнинг қўлланилиши чекланган. Бўлинмалар ўртасида юзага келган масалалар қийин ечилиши, раҳбарларнинг иш билан бандлиги бир текисда эмаслиги ва жуда катта юклама билан ишлашига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизимининг иккинчи услуби (функционал тузилма) раҳбар ишини анча енгиллаштиради, чунки у барча ходимлар билан эмас, балки ўзининг ўринбосарлари ёрдамида иш олиб боради. Ҳар бир ўринбосар функционал йўналиш бўйича юзага келган ишлаб чиқариш муаммоларини ўз ваколати доирасида кўриб чиқади.



1-чизма. Қишлоқ хўжалиги техника хизмати менежменти бошқаруви тизими.

МУҲОКАМА

Янги тузилаётган қишлоқ хўжалигида техник хизмати бошқарув тизимини шакллантиришдан аввал кимга хизмат кўрсатиши, хизматга бўлган талабни, хизмат турларини аниқ белгилаб олиши ҳамда шу хизмат турларини, миқдорини бажариш учун қайси турдаги техника воситалари ва қанча кераклиги аниқ бўлиши зарур (1-чизма).

Қуйида қишлоқ хўжалиги техника хизмати ташкилий бошқаруви тизимининг ҳар бир бўлимининг тавсифи бериб ўтилган.

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқаруви раиси – ташкилот фаолиятига тегишли услубий ва меъёрий материаллар, саноат ва ташкилотнинг техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболлари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, ташкилот фаолиятига доир юқори ва бошқа органларнинг қарорлари, фармонлари, буйруқлари, бошқа раҳбар ва норматив ҳужжатлари, ташкилот тузилмасининг профили, ихтисослаштирилиши ва хусусиятлари, ташкилотни бошқариш, хўжалик шартномаларини тузиш ва расмийлаштириш тартиби, мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқаришнинг тегишли тармоғида фан ва техника ютуқлари ва илғор ташкилотлар тажрибаси билан шуғулланади.

Машиналарни таъмирлаш хизмати муҳандиси – асбоб-ускуналар, техникаларни таъмирлашни ташкил этиш бўйича норматив, методик ва бошқа материаллар, корхонада таъмирлаш хизматини ташкил этиш, таъмирлаш ишларини режалаштириш, жиҳозлар бузилишининг олдини олиш, корхона ускуналарининг ишлаб чиқариш қувватлари, техник хусусиятлари, конструктив хусусиятлари, иш режимлари, ускуналардан фойдаланиш қоидалари,

жиҳозларни монтажлаш ва таъмирлаш усуллари, таъмирлаш ишларини ташкил этиш технологияси, паспортлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни ва бошқа техник ҳужжатларни тузиш тартиби, таъмирлашдан кейин асбоб-ускуналарни қабул қилиш ва топшириш қоидалари, ускуналар ва таъмирлаш жиҳозларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва модернизация қилишда меҳнатни оқилона ташкил этиш, техник хизмат кўрсатишнинг маҳаллий ва хорижий тажрибасини ўрганиш, иқтисодиёт, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормалари билан шуғулланади.

Моддий техник-таъминот муҳандиси – таъминловчи техник ижрочилар тоифасига киради, асосан, корхона директорининг буйруғи билан иш юритади. Вазифасига доир моддий ресурслардан фойдаланиш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, низомлар, йўриқномалар, моддий-техник таъминлаш ва юклаш-тушириш ишларини ташкил этиш, юкларни қабул қилиш ва жўнатиш, контейнерлар ва транспорт воситаларига буюртма бериш, олинган ва жўнатиладиган юкларга ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари, материаллар ва бошқа товар-моддий қадриятларни сарфлаш номенклатураси ва нормалари, уларни сақлаш ва ташиш шартлари, меҳнатни ташкил этиш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормалари бўйича иш олиб боради.

Асбоб-ускуналар диагностикаси бўйича мутахассис – раҳбар томонидан қабул қилинадиган ва бўшатиладиган мутахассислар тоифасига киради. Унинг вазифасига республикадаги амалдаги қонунчиликда юритиладиган фирма раҳбарининг буйруқлари, ички норматив ҳужжатлар ва оғзаки буйруқлар, мутахассислик бўйича методик материаллар, ишлаб чиқариш технологияси, иш профили, иш дастурлари ва йўриқномалари бўйича махсус адабиётда қўлланиладиган терминология, фойдаланилаётган ускуналарнинг техник хусусиятлари, конструктив хусусиятлари, белгиланиши, ишлаш тамойиллари ва фойдаланиш қоидалари, унинг камчиликларини кўриб чиқиш ва аниқлаш усуллари, ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қилиш қоидалари ва нормаларини билиш киради.

Асбоб-ускуналар бўйича техник уста – асбоб-ускуналар бўйича техник мутахассис ҳисобланади. Асбоб-ускуналар бўйича техник лавозимга тайинлаш ва ундан озод қилиш ташкилот раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади. Асбоб-ускуналар бўйича техник уста, асбоб ва жиҳозларни тайёрлаш технологияси асослари, улардан фойдаланиш ва сақлаш қоидалари, асбоб-

ускуналар ва жиҳозларга, уларни тайёрлашда фойдаланиладиган материалларга қўйиладиган техник талаблар, омборхона хўжалигини ташкил этиш, иқтисодий статистика, корхона бўлинмаларининг асбоб-ускуналар ва технологик жиҳозларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби, асбоб-ускуналар ва технологик жиҳозларнинг сарф нормалари ва захираларини ҳисоблаш тартиби, корхонада фаолият кўрсатаётган асбоб ва жиҳозлар нархлари, ишлаб чиқариш дастурларини асбоб-ускуналар цехи билан бажариш кўрсаткичларини ҳисобга олиш, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, иқтисодиёт, меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қилиш қоидалари ва нормаларини билиши керак.

Асбоб-ускуналарни йўлга қўйиш устаси – қишлоқ хўжалиги машиналари ва тракторларини йўлга қўйиш устаси ишчилар тоифасига киради. Қишлоқ хўжалиги машиналари ва тракторларини йўлга қўювчи уста – юқори ва бошқа органларнинг қарорлари, фармонлари, буйруқлари, бошқа раҳбарлик ва норматив ҳужжатлар, ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари, машина-трактор, боғга хизмат кўрсатишда қўлланиладиган тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари қурилишини билишлари керак бўлади. Лавозим вазифаларига: қишлоқ хўжалиги машиналари, тракторлар ва комбайнларнинг оддий ва ўртача мураккаб тузилмалари ва агрегатларини йўлга қўйиш, текшириш ва тартибга солиш, тракторларга техник хизмат кўрсатиш операцияларининг барча турларини бажариш киради.

Чилангар (слесарь), таъмирловчи уста – механик йиғиш ишлари слесари ишчилар тоифасига киради. Механик йиғиш ишлари чилангари қўйидагиларни: йиғилаётган тузилмалар ва механизмлар учун техник шартлар, оддий иш асбобининг номи ва белгиланиши, қайта ишланаётган материалларнинг номи ва маркировкасини билиши керак. Лавозим вазифаларига: тузилма ва механизмларни йиғиш ва тартибга солиш, деталларни 12-14 квалитет бўйича ч ишлаш ва айлантириш киради. Чилангар уста режа асосида, жорий ёки капитал таъмирлаш, шунингдек ускуналар, машиналар ва агрегатларни монтажлаш, текшириш ва тартибга солишни амалга оширади. Муаммоларни аниқлаш учун механизмларнинг техник диагностикасини амалга оширади ва таъмирлаш ишлари режасини белгилайди.

Пайвандловчи уста – пайвандловчи ишчилар тоифасига киради. Пайвандловчи қўлланиладиган алоқа машиналарининг амал қилиш тамойили ва

уларга хизмат кўрсатиш қоидалари, пайвандланган бирикмаларнинг ёпишқоқ, нуқта, рельеф ва тикиш турларини билишлари керак ҳамда контакт ва нуқта машиналарида углеродли пўлат ва асбобдан ясалган оддий буюмлар, тугунлар ва конструкцияларни пайвандлаш, кесиш жойлари, бурмалаш ва оғишларни тўғрилаш вазифаларини бажариши керак.

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати ташкилий бошқаруви тизимида бошқарув санъати бўлиши керак. Бошқарув санъати бу – менежернинг, раҳбарнинг қобилияти, устамонлиги, ижодиётидир [5].

Шундай қилиб, бошқариш тамойилларини бошқарув вазифаларини амалга ошириш бўйича асосий ғоялар, қонуниятлар ва раҳбарлар хатти-ҳаракатларининг қоидалари сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Менежментнинг барча тамойилларини икки гуруҳга – умумий ва хусусий гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқаришнинг умумий тамойилларига дастурлаш, тизимлилик, кўп функциялилик, интеграция, кадриятларни назарда тутиш тамойиллари киради.

Дастурлаш тамойили – менежмент фирмада ишловчи барча ходимлар учун ўзига хос фаолият дастурини ишлаб чиқади.

Тизимлилик тамойили – менежмент, умуман, ўз тузилмаси ёки тизимининг ташқи ва ички ўзаро алоқаларини, ўзаро боғлиқликлари ва очиқлигини (ошкоралигини) ҳисобга олган ҳолда барча тизимни қамраб олади.

Кўп функциялилик тамойили – менежмент фаолиятнинг турли томонларини, яъни моддий (ресурслар, хизматлар), функционал (меҳнатни ташкил этиш), мазмуний (охирги мақсадга эришиш) томонларини қамраб олади.

Интеграция тамойили – тизим ичида ходимларнинг турли усулдаги муносабатлари ва қарашлари интеграциялашиши лозим, фирмадан ташқарида эса, ўз дунёларига бўлиниб олишлари мумкин.

Қадриятларни назарда тутиш тамойили – менежмент ижтимоий атроф муҳит билан меҳмондўстлик, ҳалол (виждонан) хизмат кўрсатиш, нарх ва хизматларнинг фойдали нисбати каби қадриятлар тўғрисида муайян тасаввурлар билан боғлиқ. Буларнинг барчасини фақатгина ҳисобга олиш билан чекланиб қолмай, балки фаолиятни юқорида айтиб ўтилган умумий тамойилларга тўла амал қилган ҳолда ташкил этиш керак.

Менежментнинг асосий хусусий тамойили бошқарувдаги марказлашиш ва номарказлашишни оптимал мослаштириш тамойили ҳисобланади.

ХУЛОСА

Фермер хўжаликларини замонавий техника ресурслари билан таъминлаш, ташкилий ишларни такомиллаштириш, доимий равишда иш унумдорлигини ошириш, кўл кучи билан бажариладиган ишларни камайтириш ва уларни машиналар зиммасига юклаш, етказилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш, меҳнат сарфини ва машиналарга техник хизмат (сервис) кўрсатиш, таъмирлаш ишларида захира қисмларни сарфлашни камайтириш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Игамбердиев, А. К., Алиқулов, С. (2020) Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш, техник сервис. – Тошкент.
2. Рустамов, Р.М. (2017) Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. 05.07.02-“Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш”. – Тошкент.
3. Махкамова, М., Юлдашева, С., Холматова, Ш., Шмигун, О. (2007) Менежмент. - Тошкент. Шарқ.
4. Обидов, А. (2013) Машина-трактор паркидан фойдаланиш. - Тошкент: Tafakkur qanoti.
5. Ғуломов, С.С. (2002) Менежмент асослари. - Тошкент. Шарқ.